

БОБУРИЙЛАР ДАВРИНИ ҮРГАНИШДА МУХИМ МАНБА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7397889>

Шарахметова Мухлиса Ансаритдиновна,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Tel: +998 946490233; E-mail: sharaxmetvamuxlisa@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг учинчи қизи Гулбаданбегим, унинг “Ҳумоюннома” асари, услуби ҳамда таржималари ҳусусида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: Бобурнийлар даври тарихи, таржима асар, баён қилиши, услуби, қўллэзма, факт.

ABSTRACT

This article talks about Gulbadanbegim, who is the third daughter of the ruler and poet Zahiruddin Muhammad Babur, as well as the style and translations of her work “Humayunname”.

Key words: *The history of the Babur period, translation work, style, manuscript, fact.*

“Ҳумоюннома” асари Гулбаданбегим томонидан ёзилган. Гулбаданбегим – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг учинчи қизи, Ҳумоюннинг синглиси. Гулбаданбегим (1522-1603) уч буюк бобурий ҳукмдор – отаси Бобуршоҳ, акаси Ҳумоюншоҳ ва жияни Акбаршоҳ даврини қамраб олган мураккаб даврда яшади. Гулбаданбегимнинг жияни Акбаршоҳ тарихнавис Абулфазл Алломийга “Акбарнома” асарини ёзиш учун фармон берган ҳамда зарур маълумотлар тўплаш учун яқин кишиларга, жумладан аммаси Гулбаданбегимга ҳам хотиралар ёзишни топширган. “Ҳумоюннома” мана бундай бошланади: “*Ул Фирдавс макон [Бобур] ва Жаннат ошиён [Ҳумоюн] билан боғлиқ воқеалардан нимани билсангиз, ёзингиз, деган буйруқ бўлганди. Ҳазрати Фирдавс макон фоний дунёдан боқиё дунёга йўл олганларида, бу ҳақирир [Гулбаданбегим] саккиз ёшида эди, шу сабабли бўлиб ўтган воқеаларнинг камроқ қисми ёдимда қолган эди. Подшоҳнинг амрига биноан, нимаики эшиятган ва хотирамда қолган бўлса, қозогозга туширдим*”.

Гулбадан – Ўрта аср Шарқида ягона аёл тарихчидир. У яратган асар бир қатор жиҳатлариға кўра қимматли ва бошқа тарихий асарлардан ажralиб туради. Масалан, Бобур ҳаётининг сўнгги ярим йилини Гулбадан ўзининг кузатишлари асосида ёзганлиги билан диққатга сазовордир. Чунки ундаги маълумотлар бошқа манбаларда учрамайди. Гулбаданбегим мураккаб сарой ҳаётига ҳам аҳамият беради, Бобур ҳаёти хусусиятларини тасвирлайди. Дипломатик ва савдо муносабатлари билан бир қаторда, оиласијий шароитлар, тўй ва аза маросимлари билан боғлиқ анъаналар, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак турлари, совға-салом ва ҳ.к. ҳақида бошқа тарихий манбаларда кам учрайдиган масалаларни ҳам баён этган. Энг муҳими, эркак киши эътибор бермайдиган, назари тушмайдиган нарсаларга аёл қўзи билан қараган ва уни мохирона тасвирлаган.

Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, Гулбаданбегим асарда тасвирланган воқеаларни орадан 40-50 йил ўтгандан кейин ёзган. Воқеаларни тасвирлашда иштирокчилардан, кўрган-билганлардан сўраб-суриштирган. Масалан, Ҳумоюннинг Эрондалик даврини келинойиси Ҳамидабонубегимдан сўраб ёзган. Асарни ёзишда Гулбаданнинг ўткир зехни ва хотираси, истеъоди ҳал қилувчи аҳамият касб этган. “Ҳумоюннома” тахминан 1583-1585 йилларда битилган. Асар дастлаб “Аҳволи Ҳумоюнподиоҳ” деб аталган, лекин кейинчалик “Ҳумоюннома” номи билан шуҳрат қозонган.

“Ҳумоюннома” ўзининг асосий хусусияти – баён услубининг равонлиги билан отасининг “Бобурнома”сига ўхшайди. Бобур равон услугуб учун курашган ва буни унинг асарларида кўриш мумкин. Чунончи, Ҳумоюннинг услуби ғализлигини танқид қилиб мана бундай деган эди: “...Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити, ҳам санга ташвиши озроқ бўлур ва ҳам ўқуғувчига”¹. Гулбаданбегим асарини “пок алфоз била” битди. Лекин у даврда тарихий мавзудаги асарларнинг услуби бошқача эди – жимжимадор, тумтароқ жумлалардан иборат бўларди. Масалан, «Зафарнома»нинг муаллифи Низомиддин Шомий ўз асарини ёзишдан олдин Амир Темур ҳузурида бўлган. Соҳибқирон унга «рост гапни ҳамма тушунадиган қилиб ёзинг, такаллуф билан жумлаларга безак бериш, лоф уриб мақташ, муболаға қилиш керак эмас» деган маънода топшириқ берган эди. Бироқ Шомий Соҳибқироннинг ўгитига тўла-тўкис амал қилмаган, аниқроғи амал қилолмаган, чунки ўша даврда жимжимадор, тумтароқ услубда ёзиш урф эди, шу сабабли муаллиф ҳам ўшани

¹ Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 223.

четлаб ўтолмагани қуйидаги битта жумладан ҳам кўриниб турипти: «*Бинобарин, жиоду жаҳд камарини жон белига боғлаб, тақаллуғу безакларсиз, соғу пок иборалар либосини кийгизишни бошладим, ҳиммат этагини жон белига бар уриб, иродада енгини шимариб ишига киришидим*».

Гулбаданбегим услугуб борасида тўла-тўқис отасининг йўлидан борди, асарини “*Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим*” деб бошлайди-да, кейин тўғридан-тўғри воқеаларни баён қилишга киришаверади.

“Хумоюннома”нинг “Бобурнома” дан фарқли жихатлари ҳам бор – Гулбаданбегим асарини туркийда эмас, форс тилида ёзди. Бу икки нарсадан дарак беради: “Хумоюннома” ёзилган даврда Бобур вафотидан яrim асрдан ортикроқ вақт ўтган, Гулбаданнинг ўзи ва сарой аҳли туркийни тушунса ва унда сўзлашса ҳам, бироқ энди бу тилнинг мавқеи аввалгидек эмас эди. Иккинчидан, анъанага кўра, асарлар форсийда битилар эди. Мана шу сабабларга кўра, “Хумоюннома” форс тилида ёзилган.

“Хумоюннома” нинг “Бобурнома”дан яна битта фарқи – “Бобурнома” да воқеалар баёни хронологик тартибда, йилма-йил берилган бўлса, “Хумоюннома” да бундай тартиб йўқ.

“Гулбадан” номли асар муаллифи инглиз адабаси Маргарет Румер Годеннинг ёзишича, Бобуршоҳ ва Хумоюн ҳақида хотиралар ёзишни Акбаршоҳ яна икки кишига – Хумоюншоҳнинг яқин мулозимларидан Жавҳар офтобачи ва содик вазири Шайх Бояздга ҳам топширган эди².

Лекин, С.Азимжонова негадир “замонасининг барча олимларига, қариндош-уруғларига ва амирларига” ҳам шундай фармон берилган деб ёзади. Ҳар ҳолда, инглиз адабасининг фикри тўғрига ўхшайди. Акс ҳолда, кўплаб “Хумоюннома”лар мавжуд бўлган бўларди. Ваҳоланки, Акбаршоҳнинг фармонига биноан битилган иккита “Хумоюннома” маълум, холос³ .

Асар Шимолий Ҳиндистон тарихини ёритишга, Хумоюн хукмронлик қилган давр тарихини очиб беришга бағишлиланган. Шундай бўлса-да, асар Бобуршоҳ ҳаётининг сўнгги яrim йилини ҳам қамраб олган ва 1553 йилда Комрон Мирзонинг кўзига мил тортилиши воқеасида узилиб қолган. Демак, асарда тахминан 23 йиллик воқеалар баён этилган, лекин асар узилиб қолгани сабабли у аслида яна неча йиллик воқеаларни қамраб олгани ҳақидаги маълумотни биз бирон-бир манбада учратмадик. С. Азимжонованинг ёзишича,

² Жавҳар офтобачининг “Хумоюннома”си Ўз ФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланмоқда.

³ Жавҳар офтобачининг “Хумоюннома”си Ўз ФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Шарқ ва Фарбдаги қўлёзма хазиналари, таниқли олим ва давлат арбобларига қилинган мурожаатлар ҳеч қандай натижа бермаган, яъни асарнинг давоми топилганича йўқ.

“Хумоюннома”нинг ижтимоий фанлар тарихини ўрганишда ҳам аҳамияти катта. Асар форс тилида ёзилган, бироқ унда “Бобурнома” даги сингари ҳиндча сўзлар қўлланганлиги, шунингдек, ўзбекча сўзлар ҳам учраши сабабли ҳиндиј, урду, ўзбек тиллари тарихий лексикологияси учун ҳам қимматли манба вазифасини ўтайди. “Хумоюннома” этнографларнинг тадқиқотлари учун ҳам бебаҳо материаллар беради.

Гулбаданбегим, Бобур ва Ҳумоюн даврида “бегимлар”нинг саройдаги мавқеи баланд бўлганлиги, улар айрим ҳолларда давлат ишларида ҳам иштирок этганлари ҳақида маълумот беради. Ана шундай бегимлардан бири Гулбаданнинг ўзи эди. У акаси Ҳумоюн ва жияни Акбаршоҳ даврида давлат ишларига аралашган, саройдаги ўзаро муносабатларни ҳал қилишда унинг фикри, маслаҳати катта аҳамиятга эга бўлган. Шундай эътиборли аёллардан яна Фарғонада Бобурнинг бувиси Эсондавлатбеким, Ҳумоюн ва Акбаршоҳ саройида Хонзодабегим, Моҳимбеким, Дилдорбеким ҳамда Бадахшон ҳокими Султон Иброҳимнинг онаси Хуррамбеким ва бошқалар бўлган.

Гулбаданнинг асарида Ҳумоюн билан боғлиқ хотиралар айниқса катта аҳамиятга эга, чунки бу даврда у анча улғайиб қолган, воқеаларда бевосита ўзи иштирок этган эди. Бобур вафоти (1530) дан кейин Ҳинdistонда кураш авж олиб кетди, халқнинг аҳволи оғирлашди. Сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан заифлашган мамлакатни Ҳумоюн сақлаб қолмади – Ҳинdistон таҳтини Шершоҳ Сурий эгаллади, Ҳумоюн эса аввал Кобул томонга укаларидан мадад сўраб борди, улардан кўмак ололмай, Эрон шоҳидан паноҳ истади. Ҳумоюннинг бу муваффақиятсизликларида ўзининг ҳам айби бор эди. Чунончи, у таҳтга ўтириши биланоқ Комрон Мирзога Кобул билан Қандаҳордан ташқари Панжоб билан Ҳинд воҳасини ҳам қўшиб берди. Ҳумоюннинг ўз улуши бўлмиш Санбҳални эса Ҳиндолга, Меварни Аскарий Мирзога топширди. Оқибатда ўз давлатини ҳал қилувчи худудлардан ажратиб қўйди. Ҳумоюн отасининг васиятига амал қилиб укаларига меҳр-оқибат кўрсатишга ҳаракат қилди, лекин биронтасидан мурувват кўрмади. Натижада, 15 йил муддатга Ҳинdistон таҳтидан айрилди ва “тахтсиз султон, тожсиз подшоҳ” бўлиб сарсон-саргардонликда юрди. 1555 йилда Эрон шоҳи Таҳмаспнинг кўмагида яна Дехли таҳтини қўлга киритди, лекин ярим йил ўтар-

ўтмас тасодифий ўлим топди, отаси Бобуршоҳ кўрган умр – 48 ёшда оламдан кўз юмди.

“Хумоюннома”нинг дунёда ягона нусхаси Британия музейида сакланмоқда. Уни ўрганишга А.С. Бевериж хоним салмоқли улуш қўшган – 1902 йилда асарни инглиз тилига таржима қилиб, катта сўзбоши ва шарҳлар билан нашр эттириди. А. Бевериж мазкур китобга “тенги йўқ ноёб асар” деб юксак баҳо берган. “Хумоюннома” 1996 йилда Францияда Жан Пол Ру ва Жан Луи Бакэ иштирокида француз тилига таржима қилиниб, чоп этилди. Нашр француз олими Бакэ Граммон, ўзбек олимлари Сабоҳат Азимжонова ва Акмал Сайдовлар ёзган маҳсус муқаддималар билан бошланади.

Тил, этнография ва бошқа жиҳатларини текширишдан ташқари, “Хумоюннома”нинг Бобуршоҳга бағищланган қисмини “Бобурнома” билан қиёслаш ҳам қизиқ натижалар бериши мумкин. Бу иккала машхур асарни айни бир тарихий воқеани икки хил нуқтаи назардан ёритгани маълум.

Битта мисол келтирамиз. Бобуршоҳнинг ҳаётидаги энг аламли воқеа опаси Хонзодабегимни ашаддий рақиби Шайбонийхонга эрга беришга мажбур бўлганидир. Шу воқеа “Бобурнома”да мана бундай келтирилган: *“Мұхосара имтиододи узоққа тортти. Захира ва озуқ ҳеч тарафдин келмади. Кўмак ва мадад ҳеч жавонибдин етишимади. Сипоҳий ва раият навмид бўлуб, бирар-иккирар қўргондин ташлаб қоча кириштилар. Шайбоқхон қўргон элининг ожизлигин англаб, келиб Гори Ошиқон навоҳисида тушиби. Мен ҳам Шайбоқхоннинг рўбарўйига Кўйи Поёнда Малик Мұхаммад мирзонинг уйларига келдим... Атроф ва жавонибтин билкулл маъюс бўлдук. Ҳеч тарафдин умидворлик қолмади. Озуқ ва захира кам эди. Бўлғони ҳам туганди. Ҳеч тарафдин озуқ ва захира келмади.”*

Бу маҳалда Шайбоқхон сулҳ сўзини орага солди. Агар бир тарафдин умидворлиг бўлса эди, ё захира бўлса, сулҳ сўзига ким қулоқ солур эди. Зарурат бўлди, сулҳгана қилиб, кечадин икки паҳар бўла ёвушуб эдиким, *Шайхзода дарвозасидин чиқилди... ”*.

Гулбаданбегим эса мана бундай тасвиrlайди:

“[Бобур] икки марта қилич зарби билан Самарқандни фатҳ қилдилар. Биринчи марта баҳзрати подшоҳ отам ўн икки ёшда эдилар ва иккинчи мартасида ўн тўққиз ёшда эдилар, учинчи мартасида эса йигирма икки ёшда эдилар. Олти ой қамалда (Самарқандда) бўлдилар. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқародай амакилари Хуросонда бўла туриб, уларга ёрдам юбормадилар.

Кошгардаги Султон Маҳмудхон уларнинг тогалари эди – улар ҳам ёрдам юбормадилар. Ҳеч қаердан мадад ва кўмак етмагач, умидсизликка тушдилар

Шундай бир пайтда Шоҳибекхон [Шайбонийхон] агар опангиз Хонзодабегимни бизга узатсангиз, биз ва сизнинг орамизда сулҳ тузилади ва иттифоқчилик алоқалари ўрнатиласди, деб айтиб юборади.

Охири зарурат юзасидан Хонзодабегимни мазкур хонга узатиб, ўзлари (Самарқандни) ташлаб чиқдилар”.

Битта воқеага икки хил ёндошув яққол кўриниб турибди. Бу ва шу сингари фактлар айрим воқеаларга ойдинлик киритиши мумкин.

Таржима тарихига кўз ташланса, баъзи машҳур асарлар битта тилнинг ўзига бир неча марта ўғирилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бирон таниқли асарнинг таржимаси мавжуд бўлатуриб уни қайтадан таржима қилиш таржимондан улкан билим, матонат ва жасорат талаб қиласди. Янги таржима аввалгисидан зинҳор кам бўлмаслиги, мумкин қадар устун бўлиши керак. Бир қатор тилларга қайта-қайта таржима қилинган асарлардан бири “Бобурнома”дир. У инглиз тилига тўлиқ шаклда уч марта, форс тилига икки марта, урду тилига эса икки марта тўлиқ, икки марта қисқа шаклда ўғирилган.

Давр ўтиши билан янги манба ва маълумотлар топилади, мавжуд фактларга муносабат ўзгаради – янги давр янги таржималарга эҳтиёж туғдиради.

“Хумоюннома”ни ўзбек тилига 1959 йили таниқли бобуршунос олим С. Азимжонова таржима қилган. Батафсил сўзбоши ва форсча матн билан бирга чоп эттирган. 1998 йили “Маънавият” нашриётида қайта нашр этилди. С. Азимжонова таржимаси салкам яrim аср мобайнида ўз вазифасини адо этди – шарқшунос, ҳиндшунос, тарихчилар ва бошқа соҳа мутахассислари ундан истифода этиб келдилар.

“Хумоюннома”ни форс тилидан таржимаси филология фанлари доктори, профессор Аҳмад Куронбеков томонидан ҳам амалга оширилган.

Ўтган давр ичида ўзимизда ва чет элларда Бобурийлар, хусусан Хумоюншоҳ даврига оид бир қанча тадқиқотлар юзага келди – “Хумоюннома”нинг француз ва урду тилларига таржимаси нашр этилди, инглиз адибаси Маргарет Румер Годеннинг “Гулбадан” асари чоп этилди⁴ ва бошқалар. Асар тўрт қисмдан иборат: *Бобуршоҳ даври; Бобуршоҳ; Хумоюн ҳукмдорлиги даври; Акбар ҳукмдорлиги даври.*

⁴ Rumer Godden. Gulbadan. 1980.

Асарда қайси шоҳ даври бўлмасин, нима ҳакда сўз кетмасин, асосий тимсол Гулбаданбегим, унинг ҳаётига оид тафсилотлар муаллифнинг дикқат марказида туради. Муаллиф муслима аёллар таомилларга ёшлиқдан риоя қилишларини алоҳида таъкидлайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Бобурийлар даври тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган, “Бобурнома” нинг мантиқий давоми бўлган “Ҳумоюннома” асарининг таржималари бобуршуносликка улуш бўлиб қўшилади, тархимизни янади кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишда мутахассисларга муҳим манба вазифасини бажаради, деб умид билдирамиз.

REFERENCES

1. Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. – Т.: Шарқ, 2002.
2. Гулбаданбегим. Ҳумоюннома / Форс тилидан С.Азимжонова таржимаси. – Т.: Фан, 1959.
3. Румер Годен. Гулбадан / Инглиз тилидан Х.Сўфиева таржимаси. – Т.: Шарқ НМАК , 2007.
4. Файзиев Т. Темурий маликалар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.
5. Rumer Godden. Gulbadan. 1980.